



САЙЛОВ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

ДАВЛАТ РАХБАРИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ РАИСИ НУРЛАН АБДИРОВНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Президентга Марказий сайлов комиссиясининг Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси ва маслаҳатлари депутатлари сайловини ўтказиш тадбирлари яқунлари ҳақида маълумот берилди.

Нурлан Абдилов Марказий сайлов комиссиясининг сайлов тизимини такомиллаштириш ва сайлов органларининг касбий маҳоратини ошириш борасидаги фаолияти яқунлари ҳақида ҳам маълумот берди.

Akorda.kz.

«ИККИ ЭЛНИНГ САРЛОЧИНИ»

Тошкентдаги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида атоқли қозоқ ёзувчиси, драматург, таржимон ва жамоат арбоби Рахметолла Райимкулов таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан «Икки элнинг сарлочини» мавзуда халқаро илмий-амалий анжуман ўтди.



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Сайид, Қозоғистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси, ёзувчи Малик Утарбаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, "Турон" академияси академиги Қалдибек Сейданов, Қозоғистон Республикаси давлат арбоби, ёзувчи ва публицист Саутбек Абдурахманов ва бошқалар икки қардош халқ ўртасидаги дўстлик алоқалари кейинги йилларда янада ривожланиб, янги босқичга кирганини таъкидлади.

Мазкур тантанали тадбирга Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев махсус табрик мактуби йўлланган, уни Давлат раҳбари маслаҳатчиси Малик Утарбаев ўқиб ашиттирди.

Р. Райимкулов 1913 йилда ҳозирги Тошкент вилоятининг Бўстонлик тумани, Қораманас қишлоғида туғилган.

Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ туманидаги «Олға» газетасида муҳаррир сифатида ҳам фаолият юритган. Турли йилларда унинг «Ваъда» (1958), «Яшил тўсиқ» (1960), «Туя минган одам» (1962), «Улим билан юзма-юз» (1963), «Таёқчали одам» (1964), «Сурма» (1964), «Буриллилар» (1967), «Кўзгу – қиз» (1970), «Пўлат парчалари» (1975), «Қора йўрга» (1993) насрий тўпламлари нашр этилган.

Ижодкор моҳир таржимон сифатида ҳам муносиб мерос қолдирган. Тожик, ўзбек, уйғур ва латш адабиёти намуналарини қозоқ тилига ўғриб, нашр эттирган.

Тадбирда Р. Райимкулов таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан ўтказилган халқаро танлов ғолибларини тақдирлаш маросими ўтди.

Айни пайтда Р. Райимкуловнинг «Бўз капалак», «Рахметолла Райимкулов. Ибратли умр» китобининг тақдироти ўтказилди.

24.kz.

Гонконг вилоятдан ташриф буюрган ўқитувчилар минтақамиздаги таълим ва тарбия жараёни билан яқиндан танишдилар. Тулкибош туманидаги уч тилда таълим беришга ихтисослаштирилган мактаб-интернатда ўқитиш услубияти ва тажриба алмашишга бағишланган семинар ўтди.

Унда гонконглик устоз-мураббийлар – Це Вай Ин, Кван Чун Тунг ва Цанг Яу Юнг ўз тажрибалари билан ўртоқлашишди. Шунингдек, уларга вилоятимиз ўқитувчиларининг ютуқлари ҳақида маълумот берилди. Мазкур мактабнинг инглиз тили, математика, физика ўқитувчилари Г. Дузеева, С. Жалтаева ва М. Мирабзаловлар семинар ўтказишди.

Тадбирда ҚР Маориф вазирлигининг Сифатни таъминлаш қўмитаси раиси ўринбосари М. Мелдебекова, вилоят инсон салоҳиятини ривожлантириш бошқармаси

ГОНКОНГ МУАЛЛИМЛАРИ ВИЛОЯТИМИЗДАГИ ҲАМКАСБЛАРИ БИЛАН ТАЖРИБА АЛМАШИШДИ

раҳбари ўринбосари А. Садиқова, мазкур бошқарманинг таълимни ривожлантириш маркази директори Б. Тўлимбет ва инглиз тили услубиятчиси С. Апетова ҳамда туман мактабларининг инглиз тили ўқитувчилари иштирок этишди. Кузатилган дарслар бўйича суҳбатлар ўтказилиб, хоризжлик ва туркистонлик ўқитувчилар ўзаро фикр алмашдилар.

Шундан сўнг хоризжликлар М. Ломоносов номидаги мактаб-гимназия базасида уюштирилган "JC INNPORVER FELLOWSHIP FOR TEACHERS" дастури доирасидаги халқаро ўқув-услубият семинарида иштирок этдилар. Семинардан кўзланган мақсад

– мактаб ўқувчилари ва таълим муассасалари ўқитувчиларига услубий ёрдам кўрсатиш, уч тилда ўқитиш борасида тажриба алмашишдан иборат эди.

Семинар иштирокчилари эътиборига туманнинг пешқадам мураббийлари ва Гонконг ўқитувчилари томонидан тил ўқитишда қўлланилаётган илгор технология ва услубиятлар ҳавола этилди. Ўқитувчилар ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, таълим соҳасини ривожлантириш масалаларини муҳокама қилишди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



“МЕН ТАДБИРКОРМАН” ЛОЙИҲАСИ АМАЛДА

2-бет

А. ПРАТОВ – БОШҚАРМА АЪЗОСИ

3-бет

ОДИЛ ЁҚУБОВ ЎҚИГАН МАКТАБДА...

4-бет

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2023 йил 18 май, пайшанба, №53 (3249).

Президент



ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ СОВРИНДОРЛАРИ ПРЕЗИДЕНТ ҚАБУЛИДА

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида ўтказилган бокс бўйича жаҳон чемпионати ғолиблари – Санжар Ташкенбай, Махмуд Сабирхан, Асланбек Шимбергенов, Нурбек Уралбай ва кумуш медал соҳибдори Дулат Бекбауовни, шунингдек, бокс бўйича Қозоғистон терма жамоаси аъзолари ва мураббийларини қабул қилди.

Давлат раҳбари спортчиларни жаҳон чемпионатидаги ёрқин ғалабаси билан табриклаб, бу бутун мамлакат учун муҳим воқеа эканини таъкидлади.

– Жаҳон мусобақаларида тўртта олтин ва битта кумуш медални қўлга киритиш – улкан ютуқ. Қозоқ ўғлонлари жаҳон чемпиони бўлиб, юрт мавқени кўтарди. Фурсатдан фойдаланиб, барча муҳлисларга миннатдорчилик билдираман. Уларнинг овози узоқ Тошкентдан ҳам яққол эшитилди. Бундай самимий қўллаб-қувватлаш спортчиларимизга ўзгача руҳ бағишлагани, шубҳасиз. Спорт мусобақасини

бутун халқ томоша қилди, сизларга омад тилади, десак муболага бўлмайди. Финалдаги барча жанглари томоша қилдим. Йигитларимиз юрт шарафини ҳимоя қилиш учун бор куч-ғайратини ишга солди. Мовий байроғимиз сарбаланд бўлиб, мадҳиямиз садоси билан халқимизнинг руҳи кўтарилди. Бу миллатнинг олижаноб руҳи ва ватанпарварлигидир! Чунки спортчиларимизнинг ҳар бир ғалабаси элни руҳлантириб, халқимизда фахр ва гурур туйғуларини уйғотади. Дарҳақиқат, ўтган яшанба қозоқ бокси тарихида унутилмас кун бўлди. Океанортида эса Жанибек Алим

ханули ўз унвонини шараф билан ҳимоя қилди. Унинг ғалабали серияси Тошкентда давом этди. Буларнинг барчаси қозоғистонликларни хушнуд қилди, – деди Президент.

Давлат раҳбари Қозоғистон спорти янги босқичга кўтарилаётганга эътибор қаратди.

– Шаҳматчи Бибисара Асаубаева блиц бўйича жаҳон чемпиони бўлди. Теннисчи Елена Рибаккина нуфузли турнирларда кетма-кет бир неча бор ғалаба қозонди. Курашчиларимиз, жумладан, қизларимиз Осиё чемпионатида 7та олтин медални қўлга киритди. Нургиса Адилетули оғир атлетика бўйича Осиё чемпиони бўлди. Футбол ва хоккейчиларимиз яхши натижалар кўрсатмоқда. Албатта, спортда ютуқ ва мағлубият бўлади. Шунга қарамай, спортчиларимиз юксак марраларни забт этишмоқда. Бунда

мураббийлар ва бошқа спорт соҳаси мутахассисларининг ҳиссаси улкан экани аниқ. Барчангизга самимий миннатдорчилик билдираман, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Президент мамлакатда спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши, ёшларнинг оммавий спорт билан шугулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъкидлади.

Давлат раҳбари ўз сўзини яқунлар экан, спортчиларга муваффақият тилади ва улар бўлажак йирик мусобақаларда юрт шарафини муносиб ҳимоя қилишларига ишонч билдирди. Шунингдек, Қозоғистон бокс федерацияси раҳбарияти, спортчилар ва мураббийларга Қозоғистон Республикаси Президентининг ташаккурномалари ва фахрий ёрлиқларини топширди.

Akorda.kz.

ПУЛЛИК ЙЎЛЛАРДА

SMS ХИЗМАТИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Пуллик йўл ҳаракати иштирокчиларини ўз вақтида хабардор қилиш мақсадида «KazAvtoZhol» миллий компанияси SMS-хабарлар хизматининг синон лойиҳасини ишга туширди. Автомобиль соҳибони пуллик йўлга биринчи марта кирганида SMS олади. Хабарда тўлов усулларига ҳавола ҳам кўрсатилган.

SMS-хабар транспорт воситаси Астана-Павлодар, Шимкент-Қизилўрда, Шимкент-Тошкент, Шимкент-Тараз, Тараз-Қайнар, Қўнаев-Талдиқўрган ва Шушинск-Кўкшөтов пуллик автомобиль йўлларида ҳаракатланаётгани учун келади.

Эслатиб ўтайтиш, Қозоғистонда умумий узунлиги 2200 қақирим бўлган 11та пуллик автомобиль йўллари мавжуд.

Хабар 24.



Обуна–2023

“ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН” – ДОНО ДЎСТИНГИЗ, ҲАМКОРИНГИЗ!

Қадрли муштарий!

2023 йилнинг иккинчи ярим йиллигида даврий нашрларга обуна маъсуми бошланди. Мустақиллик билан тенгдош миллат минбари ва овози, фахри саналмиш нашр омма ва давлат ўртасидаги олтин кўприк – доно маслаҳатгайи вазифасини ҳалол ва виждонан бажармоқда.

Ҳамиша шундай бўлиб қолади.

Маънавий жиҳатдан юксалиб, камолот сари интилмоқ истасангиз, кун сайин вилоят янгиликларидан воқиф бўлмоқчи ихтиёр айлаб, оламшумул воқеалардан беҳабар қолмай десангиз, ҳеч иккиланмай суюкли «Жанубий Қозоғистон» рўномасига ёзилсинг.

Туркистон вилоятининг «Жанубий Қозоғистон» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятидаги рақобатбардош, изланувчан жамоа доим сизларнинг орзунгиздаги жиҳатларга эътибор қаратишга, маънавий хизмат кўрсатишга шай.

6 ойга обуна баҳоси:
“Қазпошта” ҲЖ орқали –
Туркистон вилояти бўйича –
3415,50 тенге;
Шимкент шаҳри бўйича –
3095,15 тенге.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 55466

Туркистон шаҳридаги «Фараб» кутубхона мажмуасида «Оила. Шахс. Фуқаролик жамият» мавзуда ота-оналар анжумани ўтди. Тадбир Туркистон вилоят ижтимоий тараққиёт бошқармаси ва «Туркистон вилоят ота-оналар уюшмаси» жамоат бирлашмаси томонидан ташкил этилди.

Унда Туркистон вилояти ҳокимининг ўринбосари Бейсенбай Даулетули, ҚР Президенти қошидаги Хотин-қизлар ишлари ва оилавий-демографик сиёсат тўғрисидаги Миллий комиссия аъзоси Баян Айтбекқизи, «Туркистон шаҳар Хотин-қизлар уюшмаси» жамоат бирлашмаси раиси Улжалғас Абенқизи иштирок этди. Йиғилишда оилавий руҳшунослар, оила Академияси асосчилари ва шифокорлар маъруза қилди.

Унда Туркистон вилояти ҳокимининг ўринбосари Бейсенбай Даулетули, ҚР Президенти қошидаги Хотин-қизлар ишлари ва оилавий-демографик сиёсат тўғрисидаги Миллий комиссия аъзоси Баян Айтбекқизи, «Туркистон шаҳар Хотин-қизлар уюшмаси» жамоат бирлашмаси раиси Улжалғас Абенқизи иштирок этди. Йиғилишда оилавий руҳшунослар, оила Академияси асосчилари ва шифокорлар маъруза қилди.

Майсара САФАРОВА.

АЖОЙИБ АНЖУМАН



• Брифинг ШАРДАРАГА САРМОЯ ЖАЛБ ҚИЛИНГАН



Ўтган йили Шардара туманида ишлаб чиқарилган ялли маҳсулот ҳажми 135 миллиард тенгени, асосий капиталга жалб этилган сармоя ҳажми эса 35,5 миллиард тенгени ташкил қилди. Бу йилги кўрсаткични 45,5 миллион тенгегга етказиш режаланган. Бу ҳақда Шардара тумани ҳоқими Қайрат Жўлдибаев маълум қилди.

Туманда 2022-2027 йилларда умумий қиймати 40,8 миллиард тенгени ташкил этувчи 23та лойиҳа амалга оширилиб, 1025 кишига янги иш ўринларини очиб режаланган. Ҳозиргача 4та лойиҳа амалга оширилди. Йил сўнгигача қиймати 3,6 миллиард тенгени ташкил этувчи 6та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиб, 187 кишининг бандлиги таъминланади. 2024-2027 йилларда 13та лойиҳа амалга оширилади ва 675та янги иш ўринлари очилади, — деди туман раҳбари.

Ўтган йили туманда 20,5 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишига топширилди. Шунингдек, умумий қиймати 412,1 млн. тенгени ташкил этувчи 5та иншоотда

Бу ҳақда Туркистон вилоят тадбиркорлар палатаси директори Асилан Ибадуллаев маълум қилди.

“МЕН ТАДБИРКОРМАН” ЛОЙИҲАСИ АМАЛДА

“Мен тадбиркорман” — “2021-2025 йилларга мўлжалланган тадбиркорликни ривожлантириш миллий лойиҳаси» доирасида амалга оширилмоқда. Лойиҳа бир қанча соҳаларни қамраб олади.



“Мен тадбиркорман” маляка ошириш дастури доирасида “Бир қишлоқ - бир маҳсулот” лойиҳаси амалга оширилади.

САРИАҒАШДАГИ МАЗМУНЛИ УЧРАШУВ



Режага мувофиқ ҚР Ахборот ва ижтимоий тараққиёт вазирлигининг Диний ишлар қўмитаси раиси Е. Нукежанов ва мазкур соҳа бўйича туман миқёсида Республика ахборот-тушунтириш гуруҳи (РАТГ) аъзолари ахборот-тушунтириш тадбирларини юритишди.

Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси депутатини сайлаш борасидаги 26-сонли бир мандатли ҳудудий сайлов округининг ҳамда Туркистон вилоят маслаҳатининг депутатини сайлаш борасида бир мандатли 3-сонли ҳудудий сайлов округининг чиқиб кетган аъзолари ўрнига сайлаш тўғрисида

Туркистон вилоят маслаҳатининг МАЪЛУМОТИ

“Қозоғистон Республикасида сайлов тўғрисида” Қозоғистон Республикаси Конституциявий қонунининг 10-моддасига мувофиқ (матн давомида — Сайлов тўғрисида Конституциявий қонун) ҚР Парламенти Мажлисининг депутатини сайлаш бўйича 26-сонли бир мандатли ҳудудий сайлов округидан чиқиб кетган аъзоларнинг ўрнига сайлаш тадбири бошланганини маълум қилади.

3) сиёсий партиянинг, жамоат бирлашмасининг ёки уларнинг филиаллари (ваколатхоналари)нинг рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг нусхаси;

Округ сайлов комиссияси таркибига тавсия қилинадиган шахс Сайлов тўғрисида Конституциявий қонун талабларига мос келиши лозим.



КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ДАВОМ ЭТАДИ

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди раислигида ўтган девон мажлисида аҳоли манзилларини кўкаламзорлаштириш йўналишидаги ишлар муҳокама қилинди. Камчиликлар ошқора айтилиб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди. Минтақа раҳбари ўтказилган кўчатларни парвариш жараёнини сифатли амалга ошириш, кўкаламзорлаштириш тадбирларини кучайтиришни топширди.



– Маълумки, Давлат раҳбари Қ. Тўққев мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти масалалари бўйича кенгайтирилган мажлисда аҳоли манзилларининг ободонлаштирилишига алоҳида тўхталиб, топшириқлар берган эди. Уруғчиликка ихтисослашган боғлар кўчатлар билан тўлиқ таъминлаши ва уларнинг сифатини яхшилаш зарур. Туман ва шаҳарларда дендрология режаси ишланиб, шу асосда иш олиб борилиши керак. Шу кунгача қанча кўчат ўтказилгани ва қанчаси унгани тўғрисида маълумот йўқ. Аҳоли манзил-

ларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришни, йўл бўйидаги уй ва уларнинг муҳофаза деворларини тартибга келтиришни топшираман. Ўтказилган кўчатлар мақсадга мувофиқ парвариш қилинсин, – деди Дархан Сатибалди.

Мажлисида табиий захиралар ва табиатдан фойдаланишни созлаш бошқармаси раҳбари Қ. Абдуалиев ҳисобот берди. Унинг айтишича, вилоятимизда ўрмон ҳудуди 3 млн. 144 минг гектарни ташкил қилади. Президент Мақтубидаги топшириққа мувофиқ, 2021-2025 йиллар-

да ўрмонлар ҳудудига 2 млрд. дона кўчат ўтказиш мақсадида 2025 йилгача 170 млн. ниҳол экиш режаланган. Сақсовулзорларни кўпайтириш ҳам режага мувофиқ юритилмоқда.

Туркистон шаҳри атрофида барпо этилаётган “Яшил белбоғ” ҳудуди 2019-2022 йиллар оралигида 15881,20 гектарга кенгайди. Умуман олганда, унинг майдонини 31,4 минг гектарга етказиш зарур.

Вилоят ҳокимининг топшириғига кўра, “Туркистон вилояти аҳоли манзилларини кўкаламзорлаштиришнинг 2022-2025 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси” тасдиқланди. Ўтказилган кўчатларни парвариш қилиш ҳокимларга юкланган. Вилоятимизда 900тага яқин аҳоли манзили мавжуд. Уларни кўкаламзорлаштириш учун 3 йил мобайнида 4 миллиондан зиёд кўчат етиштириш зарур.

Мажлисида кўчат ўтказиш режасини кўнгилдагидек бажармаган туман, шаҳар ҳокимларига ишни жонлантириш вазифаси топширилди. Бундан ташқари, суғориш тармоғини созлаш, кўчат ўтказиладиган майдонларни тайёрлаш, ишчилар сонини кўпайтириш сингари масалалар муҳокама қилиниб, тегишли кўрсатмалар берилди.

Вилоят ҳокимининг
маъбулот хизмати.

ЗАРАРСИЗЛАНТИРИШ ИШЛАРИ ТАНҚИД ҚИЛИНДИ

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди раислигида ўтган девон мажлисида пашшага қарши кимёвий ишлов бериш масаласи юзасидан маълумот берилди. Сўнги йилларда Сирдарё бўйида, Кўксарой сув омбори атрофида жойлашган аҳоли манзилларида пашша кўпайиши оддий ҳолга айланди. Туркистон, Кентов, Арис шаҳарлари ва Саврон, Ўтрор, Чордара туманлари дезинфекция ҳудуди этиб белгиланган. Зарарсизлантириладиган майдон 7713,1 гектар.



Ҳашоратларга қарши кимёвий ишлов бериш етарли даражада амалга оширилмаяпти. Вилоят ҳокими соҳа раҳбарларини танқид остига олди. Камчиликларга йўл қўйгани учун соҳага масъул бошқарма раҳбарига қонун доирасида тегишли чоралар кўриш топширигини берди.

– Йил аввалида зараркундаларга қарши курашга шай бўлиш заруриги ҳақида кўп мартаба огоҳлантирилган эди. Агар уларни бартараф этишга доир сизнинг ҳисобларингиз тўғри бўлса, унда нега аҳолидан шикоятлар тушмоқда? Жадал равишда зараркундаларга қарши кураш ишларини сифатли юритиш, назоратни кучайтиришни топшираман. Ҳафта сайин амалга оширилаётган ишларнинг бориши ҳақида ҳисобот беринг, – деди вилоят ҳокими.

Зарарсизлантириш тадбирлари ва илмий таъминотни “Satti Tulik” МЧБ пудратчи компанияси олиб бормоқда. Жорий йил ушбу мақсадда 644,4 млн. тенге маблағ ажратилди. Вилоятда март ойидан буён зарарсизлантириш ишлари амалга оширилмоқда. Илмий тадқиқот ишларига 10 нафар одам, зарарсизлантириш тадбирларига 62та техника ва 77 одам жалб қилинган.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, бу – флора ва фаунага хавф туғдирмайди. Зарарсизлантириш тадбирларини юритишда эҳтиёт чораларини кўриш муҳим.

Вилоят ҳокимининг
маъбулот хизмати.

ЁШЛАР ОРАСИДА “МУҲАББАТ ЭСТАФЕТАСИ”



15 май – Халқаро оила куни ҳамда Туркистон вилояти ташкил топганининг 5 йиллиги муносабати билан “Муҳаббат эстафетаси” номли ёш оилалар танлови ўтди.

Вилоят Ёшлар имконият маркази томонидан ташкил этилган танловда минтақанинг 17та туман ва шаҳарларидан энг яхши ёш оилалар иштирок этди. Унда оилалар “Ҳамкор”, “Ким чаққон?”, “Баскетбол”, “Боулинг” деб номланган тўрт босқичли мусобақада беллашиди. Тадбирнинг очилишида сўзга чиққан вилоят ҳокими ўринбосари Бейсен Тажиббаев ушбу танловнинг оилавий кадрларни мустаҳкамлашдаги аҳамияти ҳақида гапириб, иштирокчиларга муваффақият тилади.

– Мамлакатнинг барқарор тараққиёти учун ҳар бир оилада тинчлик, ҳамжиҳатлик ва фаровонлик бўлиши керак. Шу билан бирга, демографик ўсиш юқори бўлган Туркистон вилояти учун оилавий кадрларни улуглаш жуда муҳим. Зеро, кўп фарзандли оналаримизнинг аксария-

ти вилоятимизда истиқомат қилади. Минтақа ёшлар сони бўйича ҳам биринчи ўринда. Вилоятда ҳар йили минглаб ёшлар оила қурмоқда. Бугун оилавий ҳурмат, меҳнатсеварлик, маънавий-ахлоқий фазилатлар билан ажралиб турадиган оилалар беллашиб, ўзигини намоиш этиши, – деди Бейсен Даулетули.

Танлов якунига кўра, оилада аҳиллиги билан ажралиб турган, авлодлар давомийлигининг ўзига хос намунасини кўрсатаётган энг намунали оилалар совғалар билан тақдирланди. Жетисайлик Ўтепбергеновлар оиласи 1-ўринга муносиб топилди. 2-ўрин сариогочлик Ундирбековлар оиласига, 3-ўрин Туркистон шаҳридаги Ўразбековлар ва ўтрорлик Тўлешовлар оиласига насиб этди.

Шунингдек, Тўлебий туманидан Есқуловлар оиласи “Томошабинлар эҳтироми” номинациясига сазовор бўлди.

Вилоят минтақавий
алоқалар хизмати.

• Хушхабар

А. ПРАТОВ – БОШҚАРМА АЪЗОСИ



Жорий йил 12 май куни Алматы шаҳрида Қозғоғистон Ёзувчилар уюшмасининг XVI курултойи ўтди. Мазкур нуфузли тадбирда Қозғоғистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзолари Абдурахим Пратов, Суннатилла Ақромов, Долимжон Сайфуллаев, Зокиржон Муминжоновлар иштирок эттишти.

Курултойда жамоат ташкилотининг 5 йиллик фаолияти ҳақида ҳисобот берган уюшма раиси Улиқбек Есдаулет ўз хоҳишига кўра лавозимидан озод этилди ва унинг ўрнига Мереке

Қулқенов раис этиб сайланди. Қувонарлиси, курултойда ҳамюртимиз, журналист, таниқли шоир ва таржимон Абдурахим Пратов Қозғоғистон Ёзувчилар уюшмасининг бош-

қарма аъзоси этиб сайланди. Қозғоғистондаги ўзбек адабий муҳитини шакллантиришда, шунингдек, қозоқ-ўзбек адабий алоқаларини мустаҳкамлашда жонбозлик кўрсатиб келаётган Абдурахим акани ушбу масъул лавозимга сайланиши билан муборакбод этамиз!

“Жанубий Қозғоғистон”
мухбири.

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Ўрдабоши туманида жорий йилнинг январь-март ойларида қишлоқ хўжалиги соҳасида 7,7 млрд. тенге миқдорида маҳсулот етиштирилди. Жумладан, жорий йили 70,4 минг гектар ерда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш режаси 93 фоиз удаланди. Буни туман ҳокими Нурбек Бадирақов деҳқон хўжаликларини иштирокида ўтган семинарда маълум қилди.

Шубар қишлоғидаги “Шубар” деҳқон хўжалигининг экинзоридан ўтган семинарда минерал ва органик ўғитлар, сифатли уруғ ва қишлоқ хўжалиги техникаларининг кўргазмаси ҳам уюштирилди.

– Бугунги кунда мўл ҳосил олиш учун турли органик ва минерал ўғитлар фойдаланишга татбиқ этилмоқда. Вақт, ишчи кучини кўп талаб қилмайдиган, намликни узоқ вақт сақлаб туришга имкон берадиган техникалар пайдо бўлмоқда. Минтақадаги баъзи



хўжаликлар илғор технологиялардан фойдаланиб, яхши кўрсаткичларга эришмоқда. Масалан, кўргазмада Европада ишлаб чиқарилган уруғ сепадиган ускунани кўрдик. У бешта вазифани бажара олади – бир кунда 50 гектар ерга уруғ қадаши мумкин. Дрон 6-7 дақиқада 1 гектар майдонни

дорилашга улгуради. Илғор технологиялардан фойдаланиш – бугунги кун талаби. Бундан ташқари, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишимиз зарур, – деди туман ҳокими.

Вилоят минтақавий
алоқалар хизмати.

Обуначиларимиз орасида ҚУРУЛТОЙДА ИШТИРОК ЭТДИМ



Падари бузрукворим, 91 ёшдаги Муҳаммадрасул ҳожи отадан дуои фотиҳа олиб, Қарноқ қишлоғидан Алмати шаҳрига – ёзувчилар анжуманига сафарга отландим. 12 май куни Алматида бўлиб ўтган Қозғоғистон Ёзувчилар уюшмаси анжуманида Туркистон вилояти делегацияси таркибида иштирок этдим.

Ҳаяжон ва таассуротларга мўл қурултойда илк марта Қозғоғистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси сифатида Қулбек Ергўбек, Суннатулла Ақромов, Абдурахим Пратов, Зокиржон Мўминжонов каби юрдошларим билан бирга иштироким мен учун ҳам гуруҳ, ҳам масъулият эди. Туркистон заминидан чиққан машҳур адиблар Миртемир Турсунов, Одил Ёқубов, Носир Фозиловлар қозоқ ва ўзбек адабиётлари орасида олтин кўприк вазифасини виждонан адо этган, Сабит Муқанов каби қозоқ адабиётининг алп вакиллари меҳрини, миллионлаб китобхон мухлислар хурмати қозонганлиги шонли тарих. Қозғоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси У. Есдаулет туркий давлатлар ёзувчилар уюшмаси раислигига сайлангани сабабли бу ўринга машҳур адиб, бунга қадар ўринбосар лавозимдаги Мереке Қулқенов сайланди. Журналист, ижодкор Абдурахим Пратов Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви аъзоси бўлиб сайланганлиги қозоқ ва ўзбек адабиётлари тарихимиз бобида тараққиётдан нишондир.

Суюкли нашримиз “Жанубий Қозғоғистон”нинг обунасида аввалгидек 20 нусха ҳиссам билан иштирок этиб, барча ҳамюртларимизни маънавият олами билан ошноликка даъват этаман.

Долимжон САЙФУЛЛАЕВ,
Қозғоғистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
М. Қошғарий номли мактаб муаллими.

ОДИЛ ЁҚУБОВ ЎҚИГАН МАКТАБДА...



М. Қошғарий номидаги мактаб-лицейи Қарноқ қишлоғида энг кўна билим даргоҳи ҳисобланади. Жуда кўп таниқли инсонлар, хусусан, жаҳонга машҳур адиб Одил Ёқубов ҳам шу гўшада таълим-тарбия олганлиги шонли тарих.

Келаси ярим йилликка 100 нусха “Жанубий Қозғоғистон” обунасини шартнома асосида расмийлаштирган мактаб директори Артур Асоев суҳбат чоғида ўзи раҳбарлик қилаётган Маҳмуд Қошғарий номи мактаб-лицейидаги янгилликларга тўхталиди. Хусусан, фан олимпиадаларида мактабдан 36 нафар ўқувчи иштирок этиб, шаҳар, вилоят ва республика беллашувларида 35 нафари совринли ўринларни эгаллаганлиги ижобий кўрсаткич. Ўқитувчилар, ўқувчилар ҳамда ота-оналарнинг муштарак меҳнати меваси бу. Май ойи аввалидаги кучли довул мактабнинг эски биноси томини ағдар-тўнтар қилди. Мактаб маъмурияти, қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси, собиқ битирувчилар, мактаб муаллимлари ҳашар уюштириб, уни тиклашга қарор қилинди. Муаллимлар оқват тайёрлашса, 30 нафар ўқитувчи йигитлар ҳашарда фаол

иштирок этиб, икки кунда бино аслига келтирилди. Бунга жами 1,5 млн. тенгелик қурилиш ашёлари асқотди. Яна бир янгилик – Кентов шаҳар инсон салоҳиятини ривожлантириш бошқармаси раҳбари Адил Ауелбеков мактаб маъмурияти илтимосига пешвоз чиқиб, олида яшовчи ўқувчиларни ташишга янги автобус ажратди. Мактабдан 3 чақирим олинган қатновчи 50 ўқувчи эндиликда Қарағанди вилоятида ишлаб чиқарилган махсус автобус хизматидан фойдаланади, бу давлатимизнинг ёш авлодга ғамхўрлиги намунаси.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: жамоа раҳбари Артур Асоев; ҳашар йўли билан томи янгиланган ўқув биноси; автобус ўқувчилар узоғини яқин қилади.

Муаллиф суратга олган.



ЎЗБЕКИСТОНЛИК САНЪАТКОРЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Шимкент шаҳар ўзбек драма театрида ўзбекистонлик таниқли киноактриса Сўғдиёна Азимова ҳамда киноактёр, кинорежиссёр ва продюсер Аҳрор Азаматовлар иштирокида “Менинг севгим “Айғоқчи” бадий фильмининг премьераси ўтди.



Ўзбекистонлик киноижодкорларнинг Шимкент шаҳрига ташрифи бежиз эмас. Дарҳақиқат, ушбу кинофильм сценарийсининг муаллифлари ўзбек драма театрининг актрисаси Дилдора Раҳмоншиқова ва бош суратчи Сайидсултон Жаҳонгиров экани эътиборга молик.

Тадбир аввалида меҳмонлар Қозғоғистонга ташрифлари мақсади ҳақида гапириб, келгусида ҳам ижодий ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини маълум қилишди.

Театршунос З. Мўминжонов ўзбекистонлик ва қозғоғистонлик санъаткорларнинг ижодий ҳамкорлиги бардавом бўлишини тилаб, меҳмонлар ва сценарий муаллифларига Шимкент шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Т. Нишонбоевнинг ташаккурномасини топширди. Театр директори М. Мирзиев уларни маъмурият номидан қутлаб, самимий миннатдорчилик билдирди.

“Жанубий Қозғоғистон” мухбири.
Тасвирда: тадбирдан лавҳа.

• Туркистон – мамлакатимизнинг маънавий пойтахти

Тўйларимиздаги тартиб ва маданият учун...

Бугунги кун – эртага тарих. ҚР Президентининг 2018 йил 19 июндаги 702-сонли Фармони асосида Туркистон вилояти ташкил этилиб, маркази Туркистон шаҳри бўлганига ҳам 5 йил тўймоқда. 2020 йилги пандемия ташвиш-таҳликалари, давр тақозоси билан жамоат йиғинларини кескин чеклаш ҳолатлари ҳам ортда қолди. Тўйларимиз аввалгидек сермеҳмон, серҳаражат бўлиб бормоқда. Кўпчилигида исрофгарчилик мавжуд. Жамоат ташкилотлари, нуруний отахон-онахонлар, ёшлардан келиб тушаётган тақлиф-мулоҳазаларда тўйларимизда йўл кўйлаётган камчиликлар қайд этилмоқда, ноўрин манзаралар бисёрлиги айтилмоқда. Такаб-бурлик, манманлик, мақтанчоқлик, сунъий дабдаба каби ўзбеккона тўйлар учун бегона иллатлардан ҳоли бўлишимиз зарур.

Азалдан тўйларимиз ота-она, қудалар, тўй соҳиблари билан бамаънавият маданиятли, ибн-ҳаёли, хонадон имкониятлари доирасида ихчам нишонланган.

Маданиятимизга, тарихимизга ёт сунъий, зўрма-зўраки кўришилари тўйларга олиб кириб, анъанага айлантиришга уриниш ҳаракатлари яхши эмас. Статистика маълумотларига кўра маънавий пойдевори мустаҳкам бўлмаган ёш оилаларда ажралиш ҳоллари кўп. Қарийб ҳар уч оиладан бири шу қисматга мубтало. Шу маълумотлар асосида вилоятимиз аҳлига мурожаат қилиб, тўйларимизда тартиб ва маданият барқарор бўлишига барча беравар ҳисса қўшиб, муштарак натижага эришсак, нур устига нур. Туркистон – туркий оламнинг маънавий пойтахти. Шаҳарга зиёратга келаётган минглаб сайёҳлар учун тўю-тантаналаримизнинг мазмун-моҳияти, анъаналари қизиқарли. Улар теран тарихимизга монанд, маданиятли, ибратли ўтишидан умидвор. Шу ишонччи оқлашимиз даркор.

Ҳовлиларда ўтаётган тўйларда муסיқа овозини баланд қўйиш, ярим кечагача ёки саҳармардондан кўпчиликнинг оромини бузиш ҳолатига чек қўйишимиз керак. Халқимизда маслаҳатли тўй тарқамас, деган ҳикматли нақл бор. Маҳалла фаоллари, жамоат ташкилотлари, нуруний отахон, онахонларни ҳамда энг асосийси, тўй қилаётган хонадон соҳиблари назоратни кучайтириб, тартибга кўпроқ эътибор қаратишса нур устига нур.

Туркийлар орасида муносиб ўринга эга ўзбек тўйлари ўзининг маданияти, ажойиб удумлари билан танилса, қандай яхши. Тўйларда ёшларимиз дупор, танбур, най, ғижжак каби кўна муסיқа асбобларини мукамал ўзлаштириш орқали маданиятимизни тарғиб этишса... Орзуларимиз ушалоғига ишончимиз қомил.

Мурожаатнома Туркистон шаҳридаги “Улес” жамоат бирлашмаси қосидаги Аҳмад Яссавий номи китобсеварлар клубида ўтган Туркистон, Шимкент, Кентов шаҳарлари ҳамда Саврон ва Сайрам туманлари фаолларининг умумий йиғилишида қабулланди.

2023 йил, май.

ҒАЛАБА МУБОРАК!



“Миллий мактаб лигаси” пойхаси доирасида Тўлебей тумани умумтаълим мактаблари ўртасида ўтказилган мусобақаларда Ал Форобий номи мактаб спортчилари ҳам фаол иштирок этди.

Жисмоний тарбия ўқитувчиси Ҳаёт Исмоилов мураббийлик қилган баскетбол жамоаси мусобақа голиби бўлиб, махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ғалаба муборак!

С. МИРЗО.

ЁШЛАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА



Ойбек номи 14-сонли умумтаълим ўрта мактабининг 8-10-синф ўқувчилари шаҳар прокуратураси ходимлари, Шимкент шаҳар инсон салоҳиятини ривожлантириш бошқармаси ходимлари иштирокида ўтказилган «Мейрим-жүрктен» ойлигига бағишланган йиғилишда фаоллик кўрсатишди. Мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад – ўқувчилар иштирокида содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ёшлар ўртасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатларини бартараф этиш, ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш борасида имкон қадар ўқувчиларни кўпроқ бохабар қилиш.

Шимкент шаҳар Ал Форобий тумани ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Шухрат Рўзиматов, ёшларнинг бўш вақтини унумли ташкил этиш маркази директорининг ўринбосари Шокир Умаров, спорт мактабининг дзюдо бўйича мураббийи Раҳим Миррахимов юқори синф ўқувчилари билан ўтказган учрашувлари чоғида болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, дарсдан сўнг бўш вақтларини унумли ташкил этиш, болаларнинг фойдали машғулотлар билан банд бўлишларида самарадорликка эришиш хусусида бафуржа суҳбат уюштирилди.

Шухрат Ниёзқул ўғли етакчилигида меҳмонларнинг мактабимизга ташрифи учун миннатдорчилик изхор этиб, амалга ошираётган эзгу ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

Озода ИРИСҚУЛОВА,
14-сонли Ойбек номи умумий ўрта мактаб
директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари.



ИЖОДКОР ЮРТИГА ТАШРИФ...

Баҳор фаслининг сўнги ойи аввалида Абдулла Маъдиев менга кўнгирак қилиб, 75 ёш юбилей тадбири Тошкент вилоятининг Оққўрғон шаҳрида ўтишини маълум қилди.

Аллома шоир Юсуф Сарёмийнинг чевараси истиқболига Эркин Воҳидов номидаги “Ўзбегим” халқаро ижодкорлар иттифоқи аъзолари Сайфиллаҳон Аҳмадалиев, Саодатхон Раҳимова, Бобоназар Сотибодиев ҳамда Абдуллажон Рўзиметовлар билан етиб бордик.

Шу кун Оққўрғон туманидаги Маданият саройида Абдулла Маъдиевнинг юбилейига бағишланган “Уч авлод учрашуви” мавзусида ижодий кеча ўтди. Унда таниқли адиблар, шоир ва ёзувчилар, ижодкорнинг яқинлари ва шогирдлари иштирок этишди. Маданият саройида ижодкорнинг ишлари акс эттирилган ижод маҳсуллари ва китоблар кўргазмаси меҳмонлар эътиборига ҳавола этилди. Учрашувда сўзга чиққан Оққўрғон тумани ҳокими А. Каримжонов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Тошкент вилояти бўлими раҳбари, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тойир ва жуда кўплаб нуфузли ташкилотлардан ташриф буюрган меҳмонлар А. Маъдиевнинг меҳнат фаолияти, ижодига тўхталиб, унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ижодий баркамоллик тиладилар.

Биз ижодкорлар учун журналистлар даврасида бўлиш бахт. Қўлимдаги вилоят ижтимоий-сиёсий “Жанубий Қозғоғистон” газетаси ва янги нашрдан чиққан китобларимиз ўзбекистонлик журналистлар диққатини тортди. Меҳмонларга ушбу нашрдан улашиб, таваллуд соҳиби, 35 йилдан буён “Оққўрғон овози” газетасига муҳаррирлик қилиб келаётган Абдулла ака Маъдиевга эзгу тилақларимизни изхор этиб, ижодкорлар даврасидан бир олам таассуротлар билан элга қайтдик.

Ўрмон СОБИР,
Эркин Воҳидов номидаги “Ўзбегим”
халқаро ижодкорлар уюшмаси раҳбари.

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазхон БУРОНБОЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Кентов — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.
Тўлебей — Баҳорой ДҮСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазигурт — Хуршид ҚҮЧҚОРОВ. +7-701-447-37-42.
Сайрам — Мухтабар УСМОНОВА. +7-707-257-97-36.
Тулқибош — Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.
Обуна, реклама ва эълонлар — Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90

Қозғоғистон Республикасида тарқатилади.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозғоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

• Мақолалар, эълон ва билдиргувлардаги факт ҳамда далилларни тўғрилик учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда руҳанга олинди. ККЗ34УР00022503 уювчиси берилган.

“ERNUR-print” МЧБ бошқарувида chop этилди. Шимкент шаҳри, Т. Алиқуллов кўчаси, 22.

МАНЗИЛИМИЗ: 160023, Туркистон шаҳри,
“Жаңа қала” кичик тумани,
11-кўча, 26-бино, 3-кават.
Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79.
Бухгалтерия: 39-16-44.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 55466.

Адади – 12350 нусха.

Буюрма:

1228.

Набатчи муҳаррир: Закиржон МҮМИНЖОНОВ.